

УЛСИН

...ах, аманан, деңиз сиз-
га солбк кўйдим-а. Ахир айт-
ми-ку, шошманг, кейинги йил-
миз тўйни, деб.
... Углим, одамлар жуда осмон-
га кетишибди, биз экан ерда
бўжган. Кўда томон шаро-
ни тушунар деб. Уйлагандим
жор эканман, Одамларни би-
лмас экан. Кеча келинга тик-
учун кийим-лилар юборган.
Амассини бүгүн холаси қайта
ик келди. Тагин нима дейди.
«Мунча паст кетмасангиз ку-
рган материалларингиз жуда
магазина ўтмай қолган
ий» моллар-ку...».
... бу гапларни эшитиб, бада

«Мунча паст кетмасангиз қу
орган материалларингиз жуда
магазинда ўтмай қолган
ий» моллар-ку...».



Тошкент фармацевтика институтининг студентлари ўқитувчилари Совет — Венгрия дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлимининг коллектив аъзоларидир. Бу ерда Венгрия Совет Республикаси эълон қилинганидан 70 йиллиги бағишланган тантанали ёйиш

лиш бўлди. Йиғилишда шахар
жамоатчилигининг вакиллари
ҳам иштирок этдилар.

Йиғилиш иштирокчилари
Ўзбекистон меҳнаткашлари
номидан халқ Венгрияси ком-
мунистларига, меҳнаткашлар-
ига социалистик ынгидалик


(УзТАГ).

Бастакорлар сафари

Ўзбекистон Композиторлар союзининг йўллари билан бир гуруҳ тошкентлик санъаткорлар Самарқанд областидан бўлиб катта қончоғи...

си ва телевиденисининг Юнус Ражабий номидagi маҳомучилар ансамбли хушовоз хонадаси Гулбаҳор Эркулова, раққос Доно Раҳмонова, солислар Жаҳонлидин Зухридинов ва Фахриддин Муҳитдинов, Ўзбекистон ССР музика фондининг директори, республикада хизмат кўрсатган артист Тоқтемир Шарипов қатнашди.

Тадбирлар В. И. Ленин номида «Қизил дивангел» заводи, Поёнкўш районидagi «СССР 60 йилгиг» номида Чалак пахта заводи, Каттақўрғон шаҳри-



мой комбинати, М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғи, шунингдек шаҳар маданият уйларида бўлиб ўтди.

Сафар чоғида «Ватан», «Севилим ўлкам», «Селим дёёр», «Татъим а табассум», «Дилбарнасан», «Бугун дўстлар», «Бир бор келади баҳор», «Қизлар келмонди», «Гли Раёно» каби қўшиқлар ижро этилди.

Б. РАСУЛОИ.

Ўзбекистон композиторлар союзи тарғибот бўлими ходими.

Оқшомингиз файзли бўлсин

— Яшин ака, Сизда Ҳамза ҳақида йирик бадий полотно яратди Фикр тўғрисида кўп йиллар бўлгандир!

— «Новий мир» адабий-бадий журналининг бу йилги биринчи сониде Александр Кейманинг Анна Ахматова ҳақидаги ҳикояларини ўқиб қолдим. Жуда яхши, ўткир публицистик руҳда ёзилган. Шунда шоирнинг бир фикри диққатимни ўзига тортди. Авторнинг ёзишича, Анна Ахматова чинакам санъаткор бойликлари орасида яшамаслиги, умуман, зёб-зийнат, мол-мулкка ҳирс қўймаслиги ҳақида гапирди. У Пабло Пикассоннинг фотосига қараб: «Бу расмимиз ўзи! Худди банкирга ўхшайди!» деган экан.

Шу сатрларни ўқидиму кўз олдимга Ҳамза келди. У ҳам на мол-давлатга, на амалга ҳирс қўйди. Ичкилиб илк бор қўйлаганидан бошлаб умрининг охиригача шу йўлдан тоймади. Ўзини халқ учун, маърифат учун фидо қилди. Қирқ

айтудим, Ҳамза ҳақида бир арзигулик асар ёзиш менинг кўп йиллик ниятим эди деб. Биласиз, мен ҳеч проза ёзиб кўрмаганман. Бир куни Асқад Мухтор билан суҳбат чоғида Ҳамза ҳақида гап очилди қолди. Мен ётиги билан унга тушунтирдим.

— Асқад, сизнинг бир неча романларингиз жуда машҳур. «Опасингиллар», «Тўғилиш», «Девр» менинг тақдиримда, «Чинор»ни кўза тутаяман, албатта. Сизга бир мавзу айтсам шуни ёзсангиз. Сиз кўнгилдагидек қилиб амалга ошира olasiz.

— Қани, айтинг-чи,— деди Асқад Мухтор.

— Ҳамза ҳақида аjoyиб роман ёзсангиз.

Асқад Мухтор бир лаҳза жим қолди. Ким билсин нималарни ўйлади.

— Яшин ака,— деди у ниҳоят,— бу фикр менда анча илгари туғилган. Энди менинг гапини эшитинг: шу романимиз ўзингиз ёзсангиз.

куни Ҳамза ўғли Аббос билан бирга экан. Фожиа юз берган заҳоти уни итқитиб юборибди. Чоллардан кимдир болакайни чопонига ўраб олиб, анча вақтгача уйда сақлабди.

Шоҳимардонликлар ҳам иккига бўлинган экан. Тепаликлар, пастликлар, Топеда шайхлар, уламоқлар, пастда деҳқонлар яшар экан.

Ҳамзанинг қабрини зиярат қилдим. Шайх Исқоннинг меҳмонхонасини, мазорини, қизил аскарлар отилган майдонини қайта-қайта кўрдим. Тарихини, қурилишини ўргандим. Афсус, ўша ерлар ҳозир йўқ. Ахир уни шайхлар эмас, халқ қурган деб бирав ўйламаган.

Абдулла Хотамов менга жуда бой материал берди. Ленинга ҳайкал қўйиш тарихи, мушкетёрларни қулоқ қилишда тузилган протоколларни, қўйинг-чи қўлидаги архивнинг ҳаммасини берди. Уларнинг бир қисмидан Воҳид Зоҳидов, бир қисмидан Лазиз Қасимовлар ҳам фойдаланишди. Хужжатлардан маълум

корлар ҳам жуда катта бойлик бўлган. Ўз хотираларини бажонидил ўр тоқлашди.

— Романда яна Ҳамзанинг саёҳати ҳақида ҳам сўз боради. Айниқса, унинг Ҳиндистонда бўлиши, Тагор билан учрашиш китобхонада ҳар хил фикр уйғотади. Шу эпизод «Оловли йўллар» фильмида ҳам бор...

— Ҳамза 1923 йилнинг бошида ҳаж қилиш баҳонасида сафарга йўл олган. У сафаридан йилнинг охиридагига қайтган. Унинг жуда кўп маънавий катталикларда бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Ҳиндистон ҳусусида мен аввал бир воқеани баён қилай. Ҳамза бу аjoyиб юртда пианинони кўриб қолади. Унга жуда ҳам ақиб қолади. Ўзи билан олиб кетмоқчи бўлади. Лекин қандай қилиб? Пианино катта асбоб бўлса. Ўйлаб-ўйлаб охири унинг клавишлари, умуман овоз чиқарадиган қисмини ажратиб олади.

Қўнғига қайтган, Буронбой тунакусонига бориб устки қисмларини тунакудан ишлатади. Чалинганда пианино дўнғиллаб ёқимсиз овоз чиқаради...

Бу ҳикояни нега эсладим? Битта пианинога шунчалик эътибор берган Ҳамза, Ҳиндистонга бориб Тагордек кимса билан учрашмаслиги, уни танимаслиги назаримда мумкин эмасдек туюлди. Буни аввало ёзувчининг принципи деб қаралса тўғри бўлади. Бу гапни ёш Ҳамзашуносларимиздан Раъно Иброҳимова ҳам ўз китобида айтиб ўтади.

— Романда жуда кўп қаҳрамонлар ҳаракат қилишади...

— Романда Ҳамзанинг ёшлик йилларидан то ҳаётининг сўнгги кунларигача бўлган воқеалар қаламга олинган. Шундай бўлгандан кейин унда персонажлар, қаҳрамонлар кўпчилиги табиий. Улар орасида асосий қаҳрамонлар образини тўдирувчи, яна ҳам бўрттирувчи персонажлар ҳам, тарихий шахслар ҳам, прототипи ҳаётда бўлган образлар ҳам бор.

— Романдан илк парчалар, янгилашмасам, «Гулистон» журналида чоп этилган эди...

— Асарнинг биринчи қисмини ўзи айтганидек Асқад Мухторга ва профессор Лазиз Қасимовга бердим. Улар ўқиди, ўзларининг қимматли маслаҳатларини беришди. Кейин қайта ишладим, дўстларим маслаҳатларига амал қилдим.

Уша йиллари Асқад Мухтор «Гулистон» журналининг бош муҳаррири эди. Журналда романдан парчалар эълон қилинди. «Ҳамза» романини 1978 йилда ёзиб тугатганман. У 1979 йилда «Шарқ юлдузи» журналининг 7, 8, 9-сонларида босилиб чиққан.

— Рус тилига ҳам таржима этилган чоғи...

— Ҳа, Валерий Осипов таржимасида «Советский писатель» нашриётида 1982 йилда чоп этилди. Роман рус китобхоналари яхши кутуб олишди. Шу нашриётда қайта босилди, илк фикрлар айтилди. Ниҳоят, сўдан йили «Художественная литература» нашриётида романимизнинг меротаба катта тиражда 100000 нусхада босилиб чиқди.

Яшин домла оҳиста туриб китоб жавонидида китоблар орасидан «Ҳамза» романини олиб, дастхат ёздилар-да менга бердилар. Мен миннатдорчилик билдирдим.

Домла хайрлашаётганларида бир гап айтдилар:

— Ҳамза олов эди, олов билан яшади. Оловлигича қолди. Бу олов эса сира ўчмайди.

Автор билан

Т. УБАЙДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

СУРАТДА: «Ҳамза» романининг 1988 йил «Художественная литература» босилган рус тилидаги нашрининг муқоваси.


Шаҳримиз бир неча кундан бери байрам либосида. Халқ шодийнаси — Наврўз олам тантаналари давом этмоқда.

Ойбек уй-музеи баҳор байрами дамларида айниқса гажум бўлди. Буюк адиб ижодининг муҳлислари, шоирлар, халқ бахшилари, хонанда ва созандалар бу ерга ташриф буюришди.

Баҳор таомлари билан тўзалган байрам дастурхони атрофиди олимларнинг дилнаш суҳбатлари, Наврўз мушоираси барчага манзур бўлди. Халқ бахшилари ўзларининг термалари билан байрам оқшоми файзига фойз қўшдилар. Тошкент театр ва рассомлик санъати институти талабалари театрлаштирилган томошаларни намойиш эттишди.

СУРАТЛАРДА: Ойбек ёдгорлиги пойига гулдастлар қўйиш маросими. Ҳамза номли театр актёри Ҳожиакбар Комиллов адиб асарларидан ўқимоқда.

Д. Аҳмедов фотолари.



Шодиёна Наврўз америкаликларнигоҳида

Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида жойлашган «Авангард» маҳалла аҳолиси Наврўз байрамини кенг нишонлади. Уни Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани, маҳалла комитетининг расми О. Ортиқов очди.

Наврўз байрами тўғрисида шоир Шамси Одил сўзлаб, баҳор ҳақида ёзган шеърларидан ўқиди.

Октябрь район Совети ижроия комитетининг расми Х. М. Усмонова, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, бир неча ордан ва медаллар кавалери Ю. Ҳамидов, С. Солимухамедовлар ҳам янгиликларини баҳор байрами билан табриклидилар.

Кўкча Тошкентнинг энг қадимги, обод ва кўркам аҳоли туги жойлашган масканларидан биридир. «Авангард» маҳалласининг ўзиде мингдан ортиқ хонадон аҳли истиқомат қилади. Наврўз тантанасида кўп-лаб ишчи-меҳнатқиллар, хунарманд ва кўсбиблар, партия ва совет ходимлари, зинилар иштирок этдилар. Маҳалла онахон ва онахонлари тайёрлаган қўнғичувар, ўтосма, сумалаклар байрам дастурхонини безади.

Халқ сайида «Баҳор» ансамблининг бир гуруҳ санъаткорлари қатнашиб, катта концерт қўйиб бердилар. Байрамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Расмининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этди.

О. ШАМС.

Мейган Горман ва Уильям Гирис — Тошкентда келиб ўзбек тилидан ўз билимларини бойтаётган сийлиқли аспирантлардир. Океан ортидан келган меҳмонлар Наврўзнинг қандай байрам қилинишини эшитган бўлсалар-да, қўнғичувар эди. Маана, уларда ана шундай имконият пайдо бўлди. Ёш филологлар ва уларнинг Тошкент Давлат университетиде ўз билимни ошираётган ватандошлари кўкча Шарқ янги йили анъаналари билан танидилар, тантаналарда қатнашдилар.

Америка аспирантлари ўқув программасида Ойбек ижодини ўрганиш ҳам киритилганлиги сабабли улар ўзбек совет адабиёти классикининг уй-музейига ташриф буюрдилар. Бу ерда ҳам икки кун давомида Наврўз байрами нишонланди. Адиб уй-музейига унинг қариндош-уруғлари ва яқинлари, қаламқаш дўстлари, талабалар, ёшлар, бошқа республикалардан шаҳримизда меҳмон бўлиб турган кишилар ҳам келишди.

Бу ерда меҳмонларни Ойбек ном билан аталувчи мактабнинг ёш артистлари баҳор рақсини ижро этиб кутиб олдилар. Адабиётчиларнинг ҳикояларида Наврўз тарихи, уни байрам қилиш маросимлари ва расм-рўсувлари қайта жонланди. Одамлар ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ўзларининг энг яхши ниятларини ана шу байрам билан боғлайдилар. Ўз асарларида баҳорни тараннум этмаган бирорта ижодкор йўқ бўлса керак. Бу ерда Ойбекнинг, бошқа ўзбек шоирларининг табиат, янгилиниш давларида бағишланган кўпгина шеърлари янгради. Бу шеърларни Мейган билан Уильямга таржима қилиб бериш шарт бўлмади қолди, улар ўзбек тилини яхши билишди ва бу тилда бемалол гаплашди.

— Мен ҳозирги замон ўзбек шеърияти билан яхши таниш эмас эдим. Энди бу

шеърият менга яқинроқ бўлиб қолди. У оҳангларга бой, илҳомбахш шеърият экан — дейди Уильям.

— Мен эса миллий музика ҳайратга солмоқда. У самимий, жўшқин ва кишига ҳузур бағишловчи оҳанглардан иборат, — дея шерининг фикрига қўшилади Мейган.

Баҳор миллий таомларининг конкурси ҳам меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳаваскор ошпазлар родини кўпгина ижодкорлар илҳом билан бажаришга киришдилар. Баҳор дастурхони бой ва сероб эди. Мейган ён дафтарини олиб, таомларнинг номларини ёзиб улгурмасди: туҳум-барак, гўжа оши, қўн сомса ва албатта... сумалак.

— Анъаналарга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш халқнинг юксак маданиятидан далолат беради, — дейди Мейган. — Визга Ўзбекистонда узоқ асрлардан бери давом этиб келаётган расм-рўсувлар ва урф-одатларини сақлаб қоллишга интиланликларини таъкидлаш ёқимлидир. Ўтмиш авлодларнинг урф-одатларини эслаш, уларни авлоддан авлодга қолдириш қандай яхши!

— Биз аjoyиб шеърий асарлар яратилган уйдаги ана шу қўнқам учрашуви узоқ вақт эсингизда сақланиб қоллишга ҳоҳлардик, — дейди Ойбек уй-музейининг директори Э. Ермухамедов.

Бу ерда бўлган мушоира ҳам, қизиқчилар ва аскиячиларнинг томошалари ҳам, бахшларнинг қўшқилари ҳам Наврўз файзига фойз, тароватига тароват қўшди.


Мейган Горман билан Уильям Гирис келаси йили ўз ватанларида Наврўзнинг баъзи кўринишларини жонлантириш ниятидлар. Улар океан ортида сийлиқли юртдошларини шу маросим билан таништирадилар.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА, ҲАТАГ муҳбир.



«ҲАМЗА» РОМАНИ

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Камол ЯШИН билан суҳбат



Бир асар тарихи

йиллик умрини фақат курашларда ўтказди. Шундай азиз кишими, халқимизнинг шундай ўлини ҳақида ёзмайдим бўладими!

— Кечирасиз, сўзингизни бўламан, Ҳамза билан учрашганимиз!

— Ҳа, икки марта учрашганим. У ташкил этган шарқ кечаларида иштирок этганман.

— Ҳамза фожияли ҳалок бўлганда шеър ҳам ёзган экансиз...

— Тўғри, Ҳамза ўлдирилганидан кейин «Нафрат» сарлавҳали шеър битганман.

— Демак, Ҳамза ижодини ўрганишнинг ўша йиллардан бошланган десак тўғри бўлади!

— Шундай. Умуман Ҳамза ҳақида бирон арзигулик асар яратиш умрининг мазмунини ташкил этди, десам ҳақ қилмаган бўламан.

Дастлабки асарларимдан бири «Ҳамза» шеърини драмаси бўлди. Кейин кинофильм яратилди. Ҳамза ҳақида бошқа шоир ва адиблар ҳам шеърлар, ҳикоялар яратишди. Уларнинг ичида Ойбекнинг «Ҳамза» поэмаси ажралаб туради.

— Беовисита роман ҳақида тўхталсангиз...

— Сўзни анча аввалдан бошладим—а! Адабиётшунос Намик Каримовнинг ёзишича, Ойбек 1918 йилда Шайхонтоғурда «бой ила хизматчи»ни кўрган экан. Ушунда қаттиқ таъсир қилган эканим, кўзларидан ёш чиқиб кетган экан. Ҳатто унга бағишлаб дoston ҳам ёзган. «Қутлуг қон» романининг илк чизгилари ушунда улуг адибимиз кўнглидан кечган бўлса, ажаб эмас.

«Ҳамза» романидаги эпиграф Ойбек достонидан олинди. Юқорида

— Мен тажрибам йўқ деяпманку, ахир...

— Барибир сиз ёзишнингиз керак. Чунки сиз Ҳамза ҳаёти билан жуда яхши танишсиз. Мақолалар, шеърлар, пьеса ёздингиз. Кинофильм сценарийсининг асосий авторисиз. Кўп одамлар билан учрашгансиз. Демок-чианки тайёргарлик жараёнидан ўтгансиз. Сиз ёзувчингиз, ўқиб, маслаҳатлашми бўлса бош устига. Мен хаҳиша тайёрман.

Асқад Мухторнинг далдаси билан бу ишга қаттиқ киришганман.

— Романимиз ҳақида қандай фактларга асослангансиз!

— Аввало авторнинг ўзида хотиралар кўлами бўлиши керак. Менинг ҳам асосий суянганим — ўзим кўрган кечирган воқеаларим, эшитган, билганларим бўлди.

1938-йиллар эди. Қама-қама авжиде, Ҳамзага ҳам «пантуркист», «панисламист» деган номлар тақилган, номини театардан олиб ташлаш керак деган гап-сўзлар бўлиб турган эди.

Шундай пайтда Шоҳимардонга бердим. Уша пайтда Марғилонда гастролда бўлган Ҳалима хоним, санъаткор уста Олим Комиловнинг 12—13-йашар қизи Ҳалима Комилова-лар ҳам мен билан бирга боришди.

Шоҳимардонда Ҳамзанинг секретари бўлган Абдулла Хотамов билан учрашдим. Одамлар таниб қолишиб, жуда яхши кутиб олишди. Уша вақтдаги активлар билан қўришдим. Улар менга бўлган воқеаларини батафсил ҳикоя қилиб беришди. Фожиа юз берган Чаккатомар деган жойини кўрсатишди. Шаланга олиб чиқиди.

Ўнги фактлар ҳам топдим. Уша

бўлдики, Ҳамза ҳамманинг тенг ҳуқуқли бўлишини истаган, шайхлар ҳам эл қатори меҳнат қилиб кун кўришчи бўлиб қилган. Бу тенглик техникўрликни касб этган ўша пайтдагидорларга хуш келмаган экан.

«Хуллас, шу каби деталларнинг ҳаммасини бирма-бир ўрганиб чиқдим. Романда улар жуда асқотди.

— Яна қандай материаллардан фойдалангансиз!

— Уша пайтдаги Ўзбекистон ССР Олий судининг расми, кекаликкурсин, номини унутдим, Ҳамза қотиллари устидан ўтказилган суд жараёнининг материаллари билан таништирдим. Бу материалларга мен катта эътибор бердим, чунки уларга ёлгон-яшқ аралашмайди.

Ҳозир шу суд эсимга тушса ўйлаб қоламан: суд одил, адолатли бўлганмикин? Шу менга ҳеч тинчлик бермайдди. Бу жараёнини ўрганишимиз, ҳақиқатни рўй-рост очиб ташлашимиз керак...

Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат бўлганимда мен сайланган округга Олтиариқ ҳам кирарди. Уша ерга борганимизда ветеран журнали Рашид Тўхтабоев билан учрашиб қолдим. У менга Ҳамза ҳақида, унинг Олтиариқ билан боғлиқ бўлган йиллари ҳақида қимматли материаллар берди, ўз хотираларини сўзлади. Район газетасида босилган «Ҳамза Олтиариқда» номли эсдаликларини менга тақдим этди. Бу материаллардан ҳам романда фойдаландим.

Романга шу тарика заррама-зарра материал йиққанман. Яна бир гап: Ҳамза билан бирга бўлган санъат-

Фан ва техника янгиликлари

ШИФОБАХШ ИЧИМЛИК

«Андижаннайт» ичимликлар тайёрланган ишлаб чиқариш бирилмаси — собиц пиво заводида «Андижан» номи билан янги ичимлик ишлаб чиқарила бошланди. Бу ичимлик фақат табиий маҳсулотлардан тайёрланади. Ичимликни тайёрлашда Андижон Давлат медицина институтини фармакология кафедрасининг олимлари бириллама коллектив билан ҳамкорликда ишлаб чиққан технологияга биноан халқ табибетида кенг қўлланилган шифобахш гнѐх—лаб-гулдошлар оиласига мансуб

БОЗУРБОҒ ГЎЛИДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Бундай гнѐхларнинг шифобахш хусусиятлари қадимдан маълум. Улардан тайёрланган ичимликлар ҳамма учун, ҳатто амалда соғлом кишилар учун ҳам фойдалади. Хуш-таъм ичимлик ошқозонга, қон томирларига яхши таъсир қилади, уни истеъмол қилган кишининг уйқуси тинч бўлади.

Ишлаб чиқариш бирилмаси шу йилнинг ўзида шахар ва област савдо тармоқларига 400 минг ишпа ичимлик етказиб беради. Ичимлик тайёрлаш учун ке-

РАК БЎЛҒАН ХОМ АШ ҲОЗИРЧА

республикамизнинг қўшни областларидан келтирилоқда. Шу йилдан бошлаб эса шифобахш ўсимлик бирилмасини ердамчи хўжалиқда етиштирила бошланади. ҲАМ ЕР ҲАЙДАЙДИ, ҲАМ ЭКИН ЭКАДИ

Ўзбекистон дон маҳсулотлари илмий тадқиқот институтининг Каттақўрғон бўлими ходимлари полиз экинларни экиш учун шундай агрегат тайёрладилар. Одатда плугга ҳоҳишчилик учун мослама хўжалиқтирилди. Деҳқонлар одатда қовун ва тарвуз уруғларини қўлда

ЭКИШАРДИ. ЭНДИ УЛАР

нинг илтимослари бажарилиди. Бунинг натижасида полиз экинлари бир зайдда ўсадиган бўлди, уларнинг ҳосилдорлиги кўпайди. Ҳар қандай устакхонада тайёрлаш мумкин бўлган янги сепка деҳқонларга жуда қўл келади. Иккита ишни — ер ҳайдаш ва экин ишларини бажариш натижасида хўжалик ёқилини тежаб қолдиш имкониятига эга бўлади.

МОЙЛИ БУЎҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛОҚДА

Самарқанд область ёшлар илмий-техника ижодетини мувофиқлаштириш маркази

ҲУЗУРИДА ИШЛАЁТГАН «ИНПО»

илмий-ишлаб чиқариш кооперативини мойли бўёқ чиқариш ўзлаштирди. Шаҳар чеккасидаги илгари бўш ётган ерда қисқа муддатда маҳсус цех қурилди. Кооператив маҳсулотига харидор кўп эди. Аммо камёб бўлган цинки оқ бўёқ бу ерда ҳозирча қунига 2,5 тоннадан ишлаб чиқарилоқда, унинг салмогини янада ошириш мумкин. Ҳамма нараса алф, мойга фонд йўқлигига келиб тақалмоқда. Кооператорлар бунинг чорасини улгуржи савдони янада ривожлантиришда кўрмоқдалар.



«Раққос йигити».

С. Михайлов фотозоти.

«Қушлар» пайрови

Аския

Маъруфжон ака Убайдулла акага қараб. Маана, биз оранкиб кутган фусункор баҳор ҳам келди. Наврўз байрам бўлапти ўлкамизда! Ҳамза шод-хуррам. Биз байрам концертида қатнашсак-да, даврга фойз киритиб, бир «Қушлар» пайрови қилсак нима дейсиз? Ё «биз-биз», мен сизга қув», деб пайровга қўшилимай четда тураверасизми?

Убайдулла ака, Гап келганда ҳатто отангиз ҳам аяма деганлар. Мен тортинмай гаплашавераман, сиз гапга нўносиз-да, пайровда юрмай, бўёққа «Ҳаққа»лаб кетганингиз-кетган нуқул.

Маъруфжон ака. Сиз янгилашсангиз ака, мен ҳеч қачон пайровдан чиққан эмасман, янгилашманг-да «Кокилдор»им.

Убайдулла ака. Сиз ҳадеб ўзинча «чуғурлашсангиз» катта гапириб, «Чит-та»дек жониз билан. Ахир ким билан гаплашсангиз ўзи, биласизми «Тасқара».

Маъруфжон ака. Мен ўша сиз айтган кўш бўлсам ҳам ўз кўринишим билан табиатга кўр бераман. Ўзимга яраша хониним бор ана. Ҳадеб мени кичкинасан, деб қамсатлаверсангиз ичимда, ошқора «Қарга»йман-а, ҳатто осмонда ҳам сизни.

Убайдулла ака. Кўп гапириб ранжитган бўлсам узр. Сиз «Мусича»

дек беозор қушсиз-ку, айбонгиз бор холос. У ҳам бўлса на ёқимли сайрашин биласиз, на чиройли кўринишга эгаэсиз. Баъзи бир бадхалларга ўхшаган беўхшов «Қалхат»нинг худди ўзинсиз-ўзи.

Маъруфжон ака. Мактабда яхши ўқимаганимдан энди-энди пушаймон қилияман. Бу, менинг айбим. Аммо сизнинг ўзингиз ҳам анча-мунча нуқсониз бор. Агар хушрўй қуш бўлганингизда эди, билмадим нима қилар эдингиз. Маана, ўзингиз-ўзингиз бир қанарча, жуда ҳам хунук қушсиз. Шунинг учун ҳаммага «Майна» сизда, ўргилдик кўринишиздан-е.

Убайдулла ака. Ёл

